

ДЎСТЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАЎҚАМЛАШ АЛОҲИДА ҚАЙД ЭТИЛДИ

24 декабрь куни бўлиб ўтган телефон мулоқотида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни таваллуд куни билан самимий муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон етакчисининг мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни бирлаштириш, барқарор тараққиётини таъминлаш ва халқаро нуфусини оширишдаги тарихий ролини алоҳида қайд этди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш

ҳамда мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Жорий Иқтисодий кооперация йилида биргаликда амалга оширилган ишлар унумли бўлгани мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражада самарали мулоқотлар ва алмашинувлар давом этмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш жадал суръатларида ўсиб бормоқда, “йўл харитаси” асосидаги

20 та устувор йўналишдаги лойиҳалар фаол паллага кирган.

Тадбирларга бой маданий-гуманитар алмашинувлар дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарлари халқаро кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди, келгусидаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎЗА

СУРХОНДАРЁ ИНВЕСТИЦИЯ, АҲОЛИ ДАРОМАДИ ВА ЭКСПОРТ СУРЪАТЛАРИ ЭНГ ТЕЗ ЎСАДИГАН ХУДУДГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 24 декабрь куни Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Яратилган шарт-шароитлар ва берилган имтиёзлар ҳисобига сўнгги саккиз йилда вилоятга 3 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинган, 4 мингта саноат корхонаси ишга туширилган. Саноат ҳажми икки баробарга ошиб, жорий йилда 17,2 триллион сўмга етиши кутилмоқда. Чарм-пойабзал, заргарлик, қурилиш материаллари ва фармацевтика каби янги тармоқлар шаклланган.

Камбағалликни қисқартириш бўйича ҳам яхши натижаларга эришилди. Жорий йилда 126 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 9,3 фоиздан 5,6 фоизгача пасайиши кутилмоқда. “Тўпалан” сув омборидан қувур тортиш орқали Шеробод, Бойсун, Бандихон, Музработ, Олтинсой, Ангор, Жарқўрғон ва Денов туманларида яшовчи 2 миллион аҳолининг ичимлик суви муаммоси тўлиқ ҳал этилган.

Шунга қарамай, бой табиий ресурслар ва етарли инфратузилмаси бўла туриб, Сурхондарё вилояти саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва туризм соҳаларида қатор ҳудудлардан ортда қолаётгани қайд этилди. Хусусан, вилоятда саноат ишлаб

чиқариш ҳажми Сирдарё вилоятига нисбатан 1,5 қарра, Жиззах вилоятидан 1,8 баробар ва Хоразм вилоятидан 2 баробар кам.

Мева-сабзавот экспорти ҳам Самарқанд, Тошкент вилояти, Фарғона ва Хоразм кўрсаткичларидан паст. Вилоятдаги қазилма бойликлар 600 миллиард долларга баҳолангани, бироқ бу салоҳиятнинг ҳатто 10 фоизи ҳам ишга солилмагани қайд этилди.

Шу муносабат билан вилоятни инвестиция, иш ўрни, аҳоли даромади ва экспорт суръатлари энг тез ўсадиган ҳудудга айлантириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда келгуси йилда вилоятда аниқланган 114 та қазилма конлари захираси асосида янги лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Келгуси йилда ушбу конларда 3,2 миллиард долларлик 91 та лойиҳани бошлаш, шундан 2 миллиард долларлик қисмини ишга тушириш режалари белгиланди.

Шунингдек, драйвер лойиҳалар инфратузилмасига 175 миллиард сўм ажратилади, бунинг ҳисобига 1 триллион 200 миллиард сўмлик 36 та лойиҳа амалга оширилиб, 9 мингта иш ўрни яратилади.

Туризм соҳаси муҳокама қилинар экан, вилоятда атиги 47 та меҳмонхона фаолият юритаётгани, 4 ва 5 юлдузли ёки бренд меҳмонхоналар мавжуд эмаслиги қайд этилди. Бойсун, Сангардак ва Омонхона каби юқори туристик салоҳиятга эга ҳудудлар имкониятларини тўлиқ ишга солиб, меҳмонхоналар сонини кўпайтириш, янги туризм йўналишлари ва объектларини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот ишлаб чиқаришнинг 60 фоизи Денов, Шеробод, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Музработ ва Сарисоё туманлари ҳиссасига тўғри келаётгани қайд этилди. Келгуси йилда Ангор, Қизирик, Термиз, Узун ҳамда ихтисослашган бошқа туманларда ҳам экспортни кўпайтириш бўйича аниқ лойиҳалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда Сурхондарё вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солиш бўйича режаларни тақдимот қилди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудда йўللарни таъмирлаш, уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани яхшилаш бўйича ҳам кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ РАИСИ, КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МИЛЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ ТАНЗИЛА НОРБОВЕАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА М У Р О Ж А А Т И

Қадри ватандошлар! Янги Ўзбекистонда кейинги йилларда барча соҳаларда кенг қўлмали ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ислохотлар осон бўлмаган шароитларда, жаҳон миқёсида халқаро вазият мураккаблашиб, турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий инқирозлар авж олаётган бир вақтда ўтказилмоқда.

Бош мақсад аниқ ва равшан — **инсон қадрини улуғлаш, адолатни қарор топтириш ва давлатни халққа хизмат қилувчи тизимга айлантириш**дир.

Бу ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил ва қатъий сиёсат натижасидир ва энг аввало, мамлакатни очик, адолатли ва инсонпарвар давлат сифатида ривожлантиришга қаратилган.

Бугун **“Фуқаролар давлатга эмас, давлат фуқароларга хизмат қилиш шарт”** тамойили ҳаётимизга чуқур сингиб бормоқда. Давлат хизматларини содда-лаштириш, рақамлаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Шу билан бирга, биз бир ҳақиқатни очик тан олишимиз керак: танланган йўл осон эмас. Бугун ислохотлар йўлидаги асосий тўсиқлардан бири **коррупция омил**дир.

Коррупция — фақат иқтисодий зарар эмас. Бу адолатга, инсон ҳуқуқларига, жамиятга бўлган ишончга пугур етказадиган жиноятдир. Бугун у бутун дунё учун глобал таҳдидга айланган. Шу сабабли мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

2017 йилда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши соҳада мутлақо янги босқични бошлаб берди. Илгари бундай ягона ва комплекс ҳуқуқий асос мавжуд эмас эди.

Қонун ва унинг асосида қабул қилинган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши курашишда **тизимли, очик ва институционал ёндашувни** шакллантирди.

Энг муҳими, бу кураш фақат жазо чоралари билан чекланиб қолмай, коррупцияни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилди.

Шу мақсадда муҳим институционал ислохотлар амалга оширилди. **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ташкил этилди. Парламент палаталарида **тегишли қўмиталар**, маҳаллий кенгашларда **коррупцияга қарши комиссиялар** фаолияти йўлга қўйилди.

Айниқса, **Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши** ташкил этилгани жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим қадам бўлди.

Миллий кенгаш томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишлар ҳолис ўрганилмоқда, камчиликлар юзасидан аниқ вазифа ва чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Миллий кенгашнинг жорий йил 5 март куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича ишларни баҳолаб, келгуси вазифаларни белгилаб берди.

Давлат раҳбари томонидан **55 та аниқ ташаббус** илгари сурилди ва коррупцияга қарши кураш умуммиллий вазифа экани яна бир бор таъкидланди.

Шу асосда қатор амалий ишлар қилинди. Қонunchлик такомиллаштирилди, Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди, қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ушбу ислохотлар коррупцияга қарши курашишда фақатгина уларнинг **оқибати билан эмас, балки профилактик ва тизимли ёндашувни** жорий этиш имконини бермоқда.

Парламент, Бош прокуратура, ички ишлар, агентлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иштирокида ҳудудларда кенг қўлмали ўрганишлар ўтказилмоқда.

Ўрганишлар натижалари ҳудудларда, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соғлиқни сақлаш ҳамда таълим тармоқлари бўйича ўтказилган сайёр йиғилишларида танқидий кўриб чиқилиб, муҳокама қилиниши йўлга қўйилди.

Ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўйган қатор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар берилди.

Бугунги кунда парламент ишчи гуруҳлари томонидан жойларда такрорий

ўрганишлар ўтказилмоқда. Барча ҳудудларда маҳаллий кенгашлар билан биргаликда криминоген вазиятни барқарорлаштириш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича муҳокамалар ўтказилиб, тегишли кўрсатмалар берилмоқда.

Ҳудудларда давлат хизматига қабул қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, бозорлар ва коммунал соҳаларда рақамлаштириш, инсон омилини камайтириш бўйича янги механизмлар жорий этилмоқда. Натижада соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш, коммунал, кадастр, банк, энергетика соҳаларида юзлаб миллиард сўмлик мақсадсиз харажатларнинг олдини олиш, адолат ва очиклиқни таъминлаш борасида кенг қўлмали иш олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси, коррупцияга қарши курашга қаратилган қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилиши, қолаверса, тизимли назорат йўлга қўйилгани ва жамоатчиликнинг фаол иштироки бундай натижаларга эришишда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хурматли юрдошлар! Шу билан бирга, олдимизда турган вазифалар ҳам етарли. Қонун ҳужжатларининг ижросини сўзсиз таъминлаш, мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш, фуқароларнинг фаол позициясини қўллаб-қувватлаш келгуси даврдаги энг муҳим, устувор йўналишларимиздан ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш — фақат давлат идораларининг иши эмас. Бу — **бутун жамиятнинг юксак масъулияти**. Нега деганда, биз, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар, фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда **адолатли ва кучли** жамиятни барпо эта оламиз.

Шу сабабли бу жараёндан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Ушбу фикр, тушунча ҳар бир юрдошимизнинг қалб амрига айланиши зарур.

Бизнинг бу борадаги сазй-ҳаракатларимизга куч берувчи энг асосий омил халқнинг ишончи ва қўллаб-қувватлашидир. Халқ бор экан, ислохотлар изчил давом этади. Адолат бор экан, тараққиёт барқарор бўлади.

Бизнинг кучимиз — бирдамликда, ҳақиқатда ва масъулиятда. Ана шу йўлдан оғишмай борсак, албатта, коррупцияни енгамиз.

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ФАОЛ ҲАМКОРЛИК БАРДАВОМ



Муносабат

2030 йилга бориб, Ўзбекистонда 18-20 гигаватт қайта тикланувчи қувватларга эга янги энергетика тизими яратилади, электр энергиясининг армидан кўпи куёш ва шамол

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик кейинги йилларда сезиларли жонланди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида кенг қўлмали тарихий ислохотлар бошланганига 7-8 йил бўлган бўлса, мана шу қисқа давр мобайнида АҚШ билан товар айирбошлаш ҳажми 4 баробар ошгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда АҚШнинг 300 дан ортиқ компанияси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

энергияси ҳисобидан ишлаб чиқарилади. Демокриманки, мамлакатимиз юксак мақсадларни кўзлаган ва бу йўлда барқарор ривожланипти. Табиийки, Ўзбекистоннинг оламшумул тараққиёти йўлида АҚШ билан кўп томонлама фаол ҳамкорлик катта самара беради.

► Давоми 2-бетда

АҲОЛИНИ УМУММИЛЛИЙ РЎЙХАТГА ОЛИШ



ШУНЧАКИ ТАДБИР ЭМАС

4

Йил сарҳисоби



ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДАН БАРҚАРОР ФАРОВОНЛИК САРИ

2025 йил Ўзбекистон иқтисодий тараққиётида оддий ҳисобот даври эмас, балки сифат жиҳатдан янги иқтисодий модель шаклланаётган йил сифатида намоён бўлмоқда. Сўнгги тўққиз йилда босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар айнан жорий йилда бир нуктада туташиб, иқтисодий ўсишнинг янги манбалари, янги мазмун ва фалсафасини шакллантирди.

Бу йил иқтисодий жараёнларни фақат ялпи рақамлар орқали баҳолаш етарли эмас. Асосий савол шунда: бу ўсиш қаердан келяпти, қандай манбалар ҳисобидан таъминланмоқда ва у қанчалик барқарор? Ана шу саволларга жавоб бериш 2025 йил иқтисодиётини аниқлаш калитидир.

Жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 7,6 фоиз ўсди. 2025 йилнинг январь-ноябрь ойларида ташқи савдо айланмаси 72,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, 2024 йилнинг шу даврига нисбатан қариб 22 фоиз ошди. Жумладан, экспорт ҳажми 30,9 миллиард

долларга етиб, 26,2 фоиз ўсишни қайд этди. Импорт эса 41,8 миллиард долларга етиб, 18,7 фоиз кўнайдди. Мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида энг катта улуш Хитой ҳиссасига тўғри келди (20,1 фоиз). Ундан кейинги ўринлар Россия (16,2 фоиз), Қозғистон (6 фоиз), Туркия (3,7 фоиз) ва Корея Республикаси (2,2 фоиз) эгаллади.

Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу давридаги ўсишдан сезиларли даражада юқори. Бир қарашда бу навбатдаги ижобий статистикадек туюлиши мумкин. Аммо иқтисодчи нуктаи назари билан қаралганда, ушбу ўсишнинг сифат таркиби анча муҳим.

Авалги йилларда иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан ички истеъмолни рағбатлантириш, бюджет харажатларини кенгайтириш, айрим тармоқларда бир марталик фаоллик ҳисоби-га таъминланган эди. 2025 йилда эса манзара ўзгарди. Ўсиш инвестиция, ишлаб чиқариш ва хизматлар секторидagi барқарор фаоллик орқали шаклланди. Бу эса иқтисодий ўсишни қисқа муддатли эмас, балки ўрта ва узоқ муддатли траекторияга чиқараётган асосий омилдир. 2025 йил иқтисодий сиёсатининг энг муҳим ютуқларидан бири — макроиқтисодий барқарорлик ва юқори ўсиш ўртасида нозик мувозанатга эришилгани.

Жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, йиллик инфляция даражаси 7,8 фоизга тушди. Бу ўтган йилдаги 10,2 фоиз билан солиштирганда жиддий пасайишдир. Муҳими, инфляция пасайиши иқтисодий фаолликнинг суъайиши ҳисобиға эмас, балки пул-кредит сиёсати ва таклифни кенгайтириш чораларининг уйғунлиги орқали таъминланди.

Марказий банк юритаётган қатъий, бироқ мувозанатли пул-кредит сиёсати инфляция кутилмаларини барқарорлаштирди, миллий валютанинг ички барқарорлигини мустаҳкамлади, бизнес учун прогноз қилинадиган муҳит яратди.

Шу билан бирга, иқтисодиётда ликвидлик етарли даражада сақланиб, инвестиция ва кредит фаоллиги чекланмади. Бу ҳолат кўп мамлакатлар учун мушкул вазифа ҳисобланган “ўсиш ва барқарорлик дилеммаси” юртимизда амалий ечим топаётганини кўрсатади.

► Давоми 2-, 3-бетларда

Муносабат

66

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президенти Дональд Трампнинг телефон орқали мулоқоти чоғида етакчилар олий даражада эришилган келишувлар ижросининг боришини, шунингдек, Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш истиқболларини батафсил кўриб чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ФАОЛ ҲАМКОРЛИК БАРДАВОМ



Турсинбой АБДИЖАББОРОВ, “Нуроний” жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, Ўзбекистон ва АҚШ уран, мис, вольфрам, молибден ва графит қазиб олиш ҳамда чуқур қайта ишлашни ривожлантиришди. Ишончли етказиб бериш заنجирларини яратиш ва АҚШнинг илгор қайта ишлаш технологияларини жорий этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президенти Дональд Трампнинг

Бошланиши 1-бетда

2025 йилдаги иқтисодиётнинг яна бир муҳим хусусияти ўсиш манбалари диверсификация қилинаётганидир. Жорий йилда иқтисодий ўсиш деярли барча асосий тармоқлар ҳисобига таъминланди. Саноат ҳажми 6,8 фоиз ошиб, ЯИМ ўсишига 1,7 фоиз пункт ҳисса қўшди. Айниқса, қайта ишлаш саноатининг улуши 85 фоиздан ошгани кўшилган қиймат яратиш сиёсати самара бераётганини кўрсатади.

Қишлоқ ҳўжалиги 4,1 фоиз ўсди. Бу натижа фақат об-ҳаво билан эмас, балки агротехнологиялар, кластер тизими ва меҳнат унумдорлигининг ошиши билан боғлиқ.

Қурилиш соҳаси 14,2 фоиз ўсишни қайд этди. Инфратузилма ва уй-ҳўи қурилиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун кучли мультипликатив таъсир кўрсатмоқда. Хизматлар сектори 14 фоиз ўсиш билан иқтисодиётнинг асосий локомотивига айланди ва ЯИМ ўсишига 4 фоиз пункт ҳисса қўшди.

Рақамлар иқтисодий ўсиш бир ёки икки тармоққа боғланиб қолмаётгани, балки иқтисодиётнинг ички тузилмаси мустаҳкамланётганини кўрсатади.

Бу моделнинг асосий белгиларини хомашёдан қўшилган қийматга ўтиш, давлат иштирокидан хусусий сектор фаоллигига таяниш, ижтимоий сиёсатни иқтисодий сиёсат билан интеграция қилиш, инновация ва рақамлаштиришни ўсиш драйверига айлантириш кўринишида ифодаш мумкин. Шу маънода, 2025 йил Ўзбекистон учун фақат иқтисодий кўрсаткичлар яхшилانган йил эмас, балки иқтисодий фикрлаш ўзгарган йил сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиётда бундай қоида бор: тез ўсиш кўпинча инфляцияни, қатъий барқарорлик эса сустиликни олиб келади. Кўп мамлакатлар айнан шу икки танлов ўртасида қолиб кетади. 2025 йил юртимиз учун эса ушбу аънаваный индиктатор энг иш йўлидаги амалий тажриба йили бўлди. Жорий йил иқтисодий сиёсатининг энг муҳим натижаси шундаки, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш бир-бирини инкор этувчи эмас, балки ўзаро тўлдирувчи жараёнлар сифатида намоён бўлди.

Юқорида қайд этганимиздек, 2025 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, йиллик инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этди. Бу рақам қуруқ статистика эмас. Унинг ортида аҳоли учун харид қўбилияти, тадбиркор учун прогноз, инвестор учун ишон турлибди.

Ўтган йил инфляция 10 фоиздан юқори бўлган шароитда нархлар тез ўзгарди, бизнесни режалаштириш қийинлашди, аҳоли реал даромадларига босим қўчайди. 2025 йилда эса вазият ўзгарди. Инфляция пасайиши орқали иқтисодиётда ишонч муҳити шакллана бошлади. Бу эса иқтисодий ўсишнинг энг муҳим, аммо кўпинча кўзга кўринмайдиган шартидир. Муҳими, инфляцияни пасайтириш “иқтисодий тормор” ҳисобига эмас, аксинча, тўғри танланган сиёсат орқали амалга оширилди.

Марказий банк 2025 йилда пул-кредит сиёсатини “қаттиқлаштириш ёки юмшатиш” каби содда танлов доирасида эмас, балки баланс санъати сифатида юритди. Бир жиҳатдан ортиқча пул массаси чекланди, инфляция кутилмалари назоратга олинди, фоиз ставкалари бозор учун тушунарли коридорда ушлаб турилди.

Иккинчи томондан эса иқтисодиётда ликвидлик танқислигига йўл қўйилмади, кредитлаш кескин қисқармади, инвестиция фаоллиги сақлаб қолинди. Бу ёндашув иқтисодий сиёсатда муҳим тамойилни намоён қилди. Мақсад инфляцияни ҳар қандай нарх эвазига тушириш эмас, уни иқтисодий ўсишга зарар етказмаган ҳолда назорат қилишдир.

Инфляция пасайиши илбий валютанинг ички барқарорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Валюта курсининг кескин тебраниши қаймади. Бу эса ташқи савдо, инвестиция ва бизнес қарорларига ижобий сигнал бўлди.



Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Айниқса, хусусий сектор учун валюта барқарорлиги импорт ускуналарини режалаштириш, экспорт шартномаларини узоқ муддатли тузиш, ташқи қарзларни бошқариш имкониятларини кенгайтирди. Бу жиҳатдан 2025 йил иқтисодиётда узоқ муддатли фикрлаш учун асос яратган йил бўлди.

Давлат бюджети ҳам аънаваный “харажатлар сметаси”дан иқтисодий ривожланиш инструментиға айлана бошлади. Давлат харажатларида устувор йўналишлар аниқ белгилаб олинди. Бюджет маблағлари истеъмолни сунъий рағбатлантиришга эмас, балки тақлифни кенгайтиришга йўналтирилди. Бу эса инфляцияни пасайтиришга ҳам, иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга ҳам хизмат қилди.

Эришилган макроиқтисодий мувозанат келгуси йиллар учун мустаҳкам пойдевор вазифасини бажармоқда. Инфляцияни 2026 йилда 7 фоиз, 2027 йилда эса 5 фоиз атрофида ушлаб туриш режалари шунчаки декларация эмас. Бу режалар тақлифни ошириш, рақобатни кучайтириш, хусусий сектор фаоллигини кенгайтириш орқали рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган. Шу маънода, 2025 йил макроиқтисодий сиёсатини стратегик бошқаришга ўтиш йили бўлди.

Энг муҳим жиҳат рақамларда эмас. Энг муҳим ўзгариш иқтисодий сиёсат фалсафасида. Агар аввал “ўсиш учун барқарорликдан воз кечиш” ёки “барқарорлик учун ўсишни қурбон қилиш” деган қарашлар мавжуд бўлган бўлса, 2025 йил бу стереотипни бузди. Тажриба шунини кўрсатмоқдаки, тўғри йўналишдаги институтлар, ҳисоб-китобли сиёсат ҳамда бозор механизмлари орқали ўсиш ва барқарорлигини бир вақтда таъминлаш мумкин.

Агар 2025 йил иқтисодиётини битта ибора билан ифодаш керак бўлса, уни “инвестиция қилинаётган йил” деб аташ мумкин. Чунки жорий йилда инвестиция сиёсати миқдор ортидан қувишдан воз кечиш, сифат, самарадорлик ва иқтисодиётга реал таъсир мезонларига ўтди. Энди савол “Қанча маблағ кирди?” эмас, балки “Қайси соҳаларга, қандай шартларда ва қандай натижа билан кирди?” деган мазмунда қўйилмоқда. Бу эса инвестиция сиёсатининг мутлақо янги босқичга чиққанини кўрсатади.

Январь-сентябрь ойларида марказлашмаган манбалар ҳисобидан асосий капиталга 400 триллион сўмдан ортқ инвестиция ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич сўнгги тўрт йилда деярли уч баробар ўсган. Бир қарашда мазкур рекорд рақамлар навбатдагисидек туюлиши мумкин. Аммо иқтисодчи нуқтан назаридан қараганда

энг муҳим жиҳат кўринади: бу инвестиция манбаларининг таркиби ўзгарганидир.

Авал давлат бюджети, давлат кафолатидаги лойиҳалар, йирик инфратузилма дастурлари асосий ўрин эгаллаган бўлса, 2025 йилга келиб вазият ўзгарди. Инвестиция жараёнининг марказида хусусий сектор, тижорат банклари, хорижий инвесторлар турибди. Бу эса иқтисодиётда давлатнинг мақоми тўғридан тўғри иштирокчидан шароит яратувчи ва қондалар белгилаб берувчиға айланаётганини аңлатади.

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажми 450 триллион сўмга яқинлашди. Бу рақам фақат молиявий кўрсаткич эмас, балки иқтисодий фаолликнинг қай даражада эканини кўрсатувчи индикатордир. Муҳими, ушбу кредитларнинг катта қисми микро, кичик, ўрта бизнес субъектлариға йўналтирилди. Яъни инвестиция фаоллиги фақат йирик корхоналар билан чекланиб қолмади, иқтисодиётнинг “қон томирлари” бўлган минглаб тадбиркорлар орқали тарқалди. Бу жараён иқтисодий ўсишнинг инклюзив характер касб этишига хизмат қилди. Инвестиция иқтисодиётнинг тор сегментларида эмас, балки кенг қатламларида иш бошлади. Хусусий сектор инвестиция жараёнида фақат маблағ киритувчи эмас, иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида намоён бўлди.

Натижада хусусий бизнес ишлаб чиқаришни модернизация қилмоқда, рақамли технологияларни жорий этмоқда, экспортга йўналган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Ўзгаришлар, хусусий инвестициялар нафақат янги корхоналар очнишга, балки мавжуд ишлаб чиқаришларни сифат жиҳатдан янгилашга қаратилмоқда. Бу эса иқтисодиётда “қуриш” билан бирга “тақомиллаштириш” жараёни кетаётганини аңлатади.

“Жорий йилга келиб, банк тизими активлари ҳажми 877 триллион сўмдан ошди. Бу сўнгги йиллардаги изчил ислохотлар натижаси. Аммо жорий йилда асосий савол бундай қўйилди: банклар қанча эмас, қандай кредит берапти

Жорий йил охирига келиб, чет эл инвестицияси иштирокчидати корхоналар сони 17 минг 900 тадан ошди. Мазкур кўрсаткич сўнгги беш йилда қарийб икки баробар ўсган. Бу ерда гап фақат сармоя қийматида эмас. Хорижий инвестиция бу технология, бошқарув маданияти, экспорт бозорларига чиқиш имконияти дегани. Шу маънода, ҳар бир хорижий инвестор иқтисодиёт учун қўшимча илм ва тажриба манбаидир.

Ўзтиборли жиҳати шундаки, хориж сармояси асосан саноат, қурилиш, ахборот-коммуникация, хизматлар соҳаларига кириб келмоқда. Бу эса иқтисодиётнинг келажақдаги ўсиш нуқталари айнан шу соҳаларда қўйлаётганини аңлатади. Инвестиция сиёсатидаги яна бир муҳим ўзгариш муҳитга эътибор қўйиладиганидир. Инвестор учун фақат имтиёзлар эмас, балки қонун устуворлиги, прогноз қилинадиган сиёсат, барқарор макроиқтисодий муҳит ҳал қилувчи омилға айланди. Бу борада валюта либераллашуви, капитал ҳаракатининг эркинлашиши, банк тизимидаги ислохотлар ва рақамлаштириш инвестиция муҳитини сифат жиҳатдан яхшилади.

Шу маънода, 2025 йилни Ўзбекистон учун инвестиция иқтисодиёти пойдевори қўйилган йил деб аташ мумкин. Бу йил инвестициялар иқтисодий ўсишни тезлаштирди, тармоқларни модернизация қилди, хусусий секторни фаоллаштирди, келгуси 5-10 йиллик ривож учун замин ҳозирлади. Энг муҳими, инвестиция сиёсати иқтисодий ислохотларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳақида гап кетганда, узоқ йиллар давомида битта савол такрорланиб келган: биз хомашё сотувчисими ёки тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи давлат? 2025 йил ана шу саволга амалда жавоб берилга бошланган йил бўлди. Бу йил саноат тармоғи



Ойбек ҚЎШБОҚОВ, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, эксперт

учун ўсиш ва сифат жиҳатдан янгиланиш даври бошланди. Ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш эмас, қўшилган қиймат яратиш асосий мақсадға айланди.

Яқунлаётган йилнинг тўққиз ойида саноат ишлаб чиқариши 6,8 фоиз ўсди. Айримлар бу рақамни аввалги йиллардаги кўрсаткич билан солиштириб, “суръат секинлашди” деган саволни қўяди. Аммо иқтисодий таҳлил бу ерда масала суръатда эмас, таркибда эканини кўрсатди. Ўзтиборлиси, саноат ўсишининг 85 фоиздан ортқини қайта ишлаш саноати ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса иқтисодиётимиз хомашёға боғлиқ ўсишдан қичиб, тайёр маҳсулотга асосланган саноат моделини шакллантира бошлади деган муҳим хулосани чиқаришга асос бўлади. Тўғри, бу жараён бир йилда амалга ошмайди. Аммо 2025 йилда айнан шу йўлга қатъий қадам қўйилди.

Металлургия ҳам саноатнинг таянч устунларидан бири бўлиб қолди. Январ-октябрь ойларида металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 184 триллион сўмдан ошди. Навоий ва Тошкент вилояти ушбу соҳада етакчи ҳудудлар сифатида шаклланиб, мамлакат саноат салоҳиятининг муҳим қисmini таъминлади. Бироқ бу ерда асосий ўзгариш рақамларда эмас. Асосий бурилиш металлургиянинг функцияси ўзгарганида. Агар аввал металлургия хом металл ишлаб чиқариш, экспорт учун ярим тайёр маҳсулот тайёрлаш билан чекланган бўлса, жорий йилга келиб, металл конструкциялар, машинасозлик учун бутловчи қисмлар, қурилиш ва саноат ускуналари ишлаб чиқариш кенгаймоқда. Яъни металлургия саноат занжирининг бошланғич нуқтасидан унинг марказий бўғинига айланоқда.

Сўнгги йилларда машинасозлик соҳаси иқтисодиётимизда стратегик йўналиш сифатида қайта шаклланоқда. 2025 йилда бу соҳада икки муҳим тенденция яққол кўзга ташланди. Биринчидан, импорт ўринини босиш сиёсати қучурлашди. Илгари тўлиқ импорт қилинадиган қўллаб-қувватловчи қисмлар энди маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарила бошлади. Бу нафақат валютани тежаш, шу билан бирга, маҳаллий саноат кооперациясини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, айрим сегментларда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар пайдо бўлди. Автомобилсозлик, электротехника ва қишлоқ ҳўжалиги техникасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қўшни бозорларга чиқа бошлади. Бу машинасозликни ички бозорға хизмат қилувчи тармоқдан минтақавий рақобатчиға айлантириш сари ташланган қадамдир.

Қурилиш соҳасидан жадал ўсиш қурилиш материаллари саноати учун кучли ички талаб яратди. Цемент, шиша, металл конструкциялар, полимер маҳсулотларға эҳтиёж кескин ошди. Мазкур ҳолат қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар учун икки имкониятни очди, яъни ички бозорни тўйинтириш, қўшни давлатларға экспортни кенгайтириш.

Соҳада хусусий корхоналар улуши тез ўсмоқда. Янги заводлар, модернизация қилинган ишлаб чиқариш қувватлари рақобат муҳитини кучайтириб, маҳсулот сифати ва нарх барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Саноат ривожига ҳудудий ихтисослашув тенденциялари янада аниқлашди. Бугун мамлакат харитасида саноат фақат пойтахт атрофида жамланиб қолмапти. Навоий вилояти металлургия ва қимё, Фарғона vodiёиси енгил саноат ва машинасозлик, Тошкент шаҳри ва вилояти юқори технологик ишлаб чиқариш ва электротехника марказларига айланиб бормоқда. Бу жараён ҳудудлар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириб, логистика харажатларини қисқартириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилапти. Шу билан бирга, айрим ҳудудларда саноат инфрақурилиш масисини янада қучайтириш зарурати сақланиб қолмоқда.

АҲОЛИНИ УМУММИЛЛИЙ РЎЙХАТГА ОЛИШ

ШУНЧАКИ ТАДБИР ЭМАС

Маълумотларга кўра, келгуси йили 15 январдан 28 февралга қадар мамлакатимизда аҳоли ва қишлоқ ҳўжалиги тўлиқ рўйхатга олинади. Мазкур тадбир юртодошларимиз сони, ёши, миллий таркиби, турмуш шароити, бандлиги каби аниқ статистик маълумотларни шакллантиришга қаратилган муҳим жараёндир. Ўтган бир неча йилда бунга катта тайёргарлик кўрилгани, амалиёт баъзи ҳудудларда синов тариқасида ҳам ўтказилгани айтилмоқда.

Энди ана шу рўйхатга олиш тадбири умум-миллий тарзда уюштирилади. Тўғри, ҳозир ҳам мамлакатимиз аҳолиси ва ер майдони ҳақидаги маълумотлар, статистика кўрсаткичлари мав-жуд. Аммо улар анча илгари, қолаверса, эски усулларда шакллантирилган. Аниқроғи, юр-тимизда охириги марта 1989 йили аҳоли умум-миллий рўйхатга олинган. Ўтган 35 йилдан ортиқ вақт давомида демографик ва иқтисодий-иқтисодий кўрсаткичларда яхшигина ўзгариш-лар бўлган. Айниқса, охириги ўн йилликда Ўз-бекистон тараққиёти ҳам, ривожланиши ва аҳоли фаровонлиги ҳам аввалгидан тубдан фарқ қилади. Ўсиш ва ўзгариш низоҳатда катта. Аҳо-ли сони ҳам шунга мос тарзда ошиб борапти. Эсимда, авваллари аҳоли сони билан боғлиқ рақамлардаги ўзгаришлар бир неча йилда бир ўзгаради. Ҳозир рақамлар йилга сезиларли ўсаяпти, аллақачон 38 миллион кишидан ошди.


Буларнинг барчаси ижобий кўрсаткич, албат-та. Ана шу ўзгаришларнинг ҳаммаси юртимизда аҳоли ва қишлоқ ҳўжалиги ерини рўйхатга олиш-нинг янги босқичини ўтказиш заруратини юзага келтириди. Аниқроғи, бу зарурат пайдо бўлганига бир неча йил бўлди. Шунчаки жараён энг замона-вий ва халқаро стандартлар асосида ўтказилиши учун жиддий тайёргарлик кўрилади. Ниҳоят келгуси йили аввалда мамлакатимиз бўйлаб умуммил-лий рўйхатга олиш тадбири ташкил этилади.

Хўш, бу бизга нима беради? Биринчи нав-бадга, аҳоли ва турмуш шароити тўғрисидаги ишончли маълумотлар айнан рўйхатга олиш жа-раёнида шакллантирилади. Масалан, Фарғонада

неча киши ишсиз? Андижонда неча оила уй-жойга муҳтож? Сир-дарёда яна неча таълим муассасаси қурилиши ло-зим? Қашқадарёда аҳоли хонадонлари асосан қайси йилларда қурилган? Тошкент шаҳрида аслида, қанча киши ис-тикомат қилади ва ҳоказо. Аҳоли-ни рўйхатга олиш амалиёти шу каби кўплаб саволларга жавоб, муаммо-ларга ечим топиш имконини беради. — Жаҳон тажрибасига кўра, мамла-кат аҳолисининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий таркиби, оилавий аҳоли, касби, бандлиги, даромад манбаи ва бошқа жиҳатлар бўйича батафсил маълум-от тўплашининг энг самарали усули аҳолини рўйхатга олишдир, — дейди Миллий статис-тика қўмитаси матбуот ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Камола Исмоилова. — Ривожланган давлатлар амалиётида ҳар ўн йил-да бир марта аҳолини, ҳар беш йилда бир қишлоқ ҳўжалиги ерларини рўйхатга олиш аънаъиси йўлга қўйилган. Бунда мавжуд статистик рақамларни янада аниқлаштириш, энг охириги маълумотларни шакллан-тириш мақсад қилинади. Шу жиҳатдан мазкур жараён Ўзбекистон учун ҳам муҳим. 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, унда аҳолини қанда ҳам 10 йилда, қишлоқ ҳўжалигини эса ҳар 5 йилда рўйхатга олиш зарурли-ги белгиланган.

Дастлаб 2021 йилда аҳоли ва 2022 йилда қишлоқ ҳўжалиги майдони синов тариқасида рўйхатга олинди. Ушбу амалиёт мустақиллик йилларида юртимизда илк бор ўтказилаётгани-ни инобатга олиб, уни ташкил этишга пухта тайёргарлик кўрилди. Тўлиқ рўйхатга олиш учун зарур техник тайёргар-лик ишлари бажарилиб, ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилгач, умуммиллий тадбир 2026 йилда ўтказилиши белгилан-ди. Жараёнда аҳоли ва қишлоқ ҳўжалиги уйғун ҳолда рўйхатга олинади. Бу ҳам вақтни, ҳам харажатни те-жаб, сўровларни мақбуллаштириш имконини бера-ди. Мазкур ёндашув мамлакатнинг молиявий ва ташкилий ресурсларини самарали бошқаришга хизмат қилиши билан бирга маълумотларнинг тўлиқлиги ва сифатини оширади. Ҳар бир фуқаро тенг шароитда яшаш, барча хизматдан бирдек фойдалана олиш, энг чека ҳудудлар аҳолиси ҳам сув, газ, электр таъми-нотига эга бўлишни истайди. Бутун давла-тимиз ўз олдига қўйган асосий вазифа ҳам шу. Барча бирдек фаровон ҳаёт кечирishi учун зарур чоралар кўриломоқда. Айни мақсадда амалиётда қўлланётган ўзи-мизга хос тажриба, хусусан, маҳал-лабай ишлаш тизими самарасини бошқа мамлакатлар ҳам эътироф этипти. Қилинаётган ишлар на-тижадорлиги янада ортиши, ҳар бир юртодошимиз ахшироқ яшаш учун ҳам рўйхатга олиш амалиёти муҳим. — Жараён уч босқичда ташкил этилади, — дейди

Кун мавзуси



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Худудлар ҳаёти

ЧОРВАДОРЛАР ҲИСОРИ ВА БОЯД ЗОТИДАН ЯНГИ ГЕНОФОНД ЯРАТМОҚДА

Президентимиз жорий йил 24-25 июнь кунлари расмий ташриф билан Мўғулистонга борган эди. Ташриф давомида икки давлат ўртасида қатор муҳим келишувларга эришилди. Улардан бири чорвачилик соҳасини ривожлантириш йўналишида ҳамкорлиқни йўлга қўйишдир.



етказилади. Биргина Сурхондарё вилоятида 100 минг бошга етказиш режа қилинган. Ҳозиргача вилоятда 12 тадбиркор 14 минг 600 бош қўй олиб келиш бўйича шартнома имзолаган. Шу кун-гача воҳодаги 12 та чорвачилик ҳўжалиги 6934 бош қўй ва эчки олиб келди. Жумладан, Денов туманидаги “Рамзиддин Баракат Чорвалари” МЧЖ бош зотли 1475 бош насли қўйни қўпайтириш мақ-садида боқаяпти.

Узун туманидаги “Баҳромбек Ҳасан” МЧЖ чорвачилик фермер ҳўжалиги майда шохли ҳайвон боқишда катта тажрибага эга. Дастлаб 50 бош қўй-қўзи боқишдан иш бошла-ган фермернинг кўрасида бугун 1000 бошдан ортиқ ҳисори қўй бор. Ҳозиргача мазкур фер-мер ҳўжалигига 400 бош баяд зотли қўй келти-рилган.

— Мақсадимиз келтирилган қўйларни ҳисори зотли қўйлар билан чапиштириш орқали янги зот, генофонд яратиш. Шу орқали чорвачиликка янги қувват ва сифат олиб кириш кутилмоқда, — дейди фермер Баҳром Назаров. — Халқимиз-да “Деҳқончилик бир йилда, чорвачилик қирқ йилда” деган нақл бор. Яъни деҳқончилик бир йил ўхшамаса, келаси йил кутилган натижага эришасиз. Чорвадаги даромаднинг эса узоқ йил-лар кутишга тўғри келади. Биз йиллар давомида эътибор бермаганимиз боис, чорвачиликда кат-та йўқотишга йўл қўйгандик. Мана, энди-энди тиклай бошладик.

Олиб келинаётган қўйларнинг ёши 7 ой-лиқдан катта, 20 ойлиқдан кичик, тирик вази-ни эса 30-45 кило оралиғида бўлиши белги-ланган. Ҳозир барча қўйларни ветеринария ҳодимлари қатъий назорат қилиб, уларнинг соғлиғи мунтазам текширилимоқда. Турли юкумли касалликларга қарши эмланмоқда. Шу билан бирга, зарур витамин ва озуқа қўшимчалар берилиб, маҳаллий иқлимга мослаштирилмоқда.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



КЕЧА БОШЛАНГАН ИШЛАР ЁРУФ ИСТИҚБОЛДАН ДАРАҚ БЕРМОҚДА

Давлатимиз раҳбари Кармана туманини инновацион ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Бундан янги иш ўринлари очиш, ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқишини ошириш ва инновацион фаолиятга жалб қилиш кўзланганди. Ўтган вақтда ушбу ташаббус ижроси юзасидан дастурлар ишлаб чиқилди. Шу намуна асосида вилоятнинг бошқа шаҳар-туманларида ҳам ишлар бошлаб юборилди. Натижа эса қувонарли — Карманада янги корхоналар сони қўпайиб борапти.

Яқинда саноат корхоналари учун металл маҳсулотлар етказиб беришга ихтисослашган йирик лойиҳа ишга туширилди. Завод енгил конструкция ва энергетикакор технология-лар асосида қурилди. Муҳим, илгари четдан сотиб олиннадиган кўплаб ускуна ва бутловчи материаллар маҳаллийлаштирилди. Йилгига 10 миллиард сўмлик металл буюм ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулотлар таннаҳрини барқарор сақлашга хизмат қилапти. — Туманимизда 2024 йилда умумий қийма-ти 94,4 миллион долларлик 61 та лойиҳа ишга туширилди, — дейди Кармана тумани иқтисо-диёт ва молия бўлими бошлиғи Дилшод Хай-даров. — Натижада 2394 та иш ўрни очилди. Айни вақтда 20 дан зиёд корхона 30 дан ортиқ давлатга саноат ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Ривожланиш иқтисодиётга инновация ва юқори технологияларни жорий этиш билан боғ-лиқ. Бу эса тадбиркордан изланиш ва ишжаоғ талаб этади. Ана шундай ишжаоғ билан иш бошлаган карманалик тадбиркорлар сафи кен-гайиб бормоқда. Яқинда ишлаш маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси иш бошлади. Натижада яна 30 дан зиёд фуқаронинг бандлиги таъмин-ланди.

— Корхонамиз 1 гектар ерда қурилган, — дейди корхона раҳбари Сардон Негматов. — Айни вақтда корхонамизда тоблганан ойна маҳсулотлари ишлаб чиқариломоқда. Бир кунда 1000 квадрат метрдан ортиқ энергия тежовчи турли рангдаги ойналарни ишлаб чиқарамиз. Корхонамиз яқинда ишга туширилган бўлса-да, Қирғизистон ва Тожикистонга маҳсулот экспорт қилишимиз. Келгусида экспорт географиясини кенгайтириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-лар турини қўпайтиришни режалаштирганимиз. Шиша маҳсулотларни қайта ишлашда катта

тажрибага эга россиялик ва хитойлик мутахас-сислар корхонамиздаги ишчи-ҳодимларга замо-навий технологияларни ўргатмоқда. Карманада хорижий инвесторлар билан ҳам самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Туркия-лик мутахассислар билан ишга туширилган яна бир йирик корхона шулар жумласидан. 2 гектар майдонда Туркиядан келтирилган бута ва ме-вали кўчатлар янги усулда парваришланипти. Йиллик экспорт имконияти 1 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳа тўлиқ қувватда ишга туш-гач, 24 та доимий иш ўрни очилади.

— Ноёб кўчатларимиз Навоийда илк бор пар-вариш қилинапти, — дейди туркиялик агроном Бурак Чурк. — Бу турдаги кўчатлар аввал Тош-кент вилоятидаги кичик майдонда синовдан ўт-казилган эди. Навоий вилоятида ҳам бу лойиҳани муваффақиятли амалга оширишимизга ишона-миз. Кўчатлар учун махсус тўқувлар шу ерининг ўзига буюртма асосида тайёрланган. Тўпуроғи Европададан олиб келинган. Кўчатлар махсус сув тизими орқали озиклантирилади. Улар май ойи-да Туркиядан келтирилганида 10-15 сантиметр узунликда эди. Сентябрдан бошлаб кўчатлар барқарор ўсиш ҳолатига кирди. Ушбу кўчатлар мевадор қирғанидан кейин 15-20 йилгача ҳосил беради. Бу мева тиббиётда жуда ноёб ва турли касалликларнинг даволашда қўлланади. Келгусида яна 2 ва 4 гектар майдонда шундай кўчатлар пар-вариллашни режа қилганимиз.

Кармана туманидаги саноат ривожига иқтисодий зоналар фаолияти ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Президентимизнинг ўтган йилги тегишли қарорига биноан “Навоий sanoatini ривожлантириш комплекси” махсус саноат парки ташкил этиш учун Карманадаги “На-воий” эркин иқтисодий ҳудудидан 40,5 гектар ер ажратилган. Саноат паркида жойлаштириш учун дастлаб қиймати 251,3 миллион долларлик

шахсий маълумотлар дахлсизлигига оид пухта чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, айнан ҳар бир шахснинг ўзи таниган-билган “маҳалла еттичилиги” аъзоларигагина ишониб маълумотларни тақдим қилиши тўғри бўлади.

Белгиланган мuddатда рўйхатга олиш жараё-ни ажулангач, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш босқичи бошланади. Мута-хассисларнинг тушунтиришча, рўйхатга олиш натижалари Европа статистиклар конферен-циясининг 2020 йилги тавсияларига мувофиқ умумлаштирилади. Шу тарзда мамлакатимиз аҳолисининг демографик таркиби, миграция жараёналари, оилавий ҳолати, фаолият турлари ва даромад манбалари тўғрисида ягона маълум-отлар базаси шаклланади. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан фойдаланиш, чорвачилик ва паррандачилик соҳасига оид кўрсаткичлар аниқланади.

Умуммиллий рўйхатга олиш тадбири аҳоли ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаси учун нисбатан кам ҳаракатланадиган қиш фаслига тўғри келиши билан ҳам қулайлик яратди. Бу вақтда қишлоқ ҳўжалигида мавсумий ишлар қамайган бўлиб, фермер ва деҳқонлар учун маълумотларни тақдим этиш вақти қулай бўлиши айтилмоқда. Мавсумий омилларни ҳисобга олиш, шунингдек, ташкилий имкониятлардан самарали фойдаланиш рўйхат-га олиш жараёнининг аниқлиги ва тўлиқлигини таъминлайди. Масалан, қиш фаслида чорва мол-ларининг сони ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини аниқлаш осонроқ бўлиб, бу маълумот-ларнинг ишончлигини оширади.

— Аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини умуммил-лий рўйхатга олиш мустақил Ўзбекистон ама-лиётида янгилик ва катта воқеа бўлиб, ушбу тарихий ҳодиса халқаро ташкилотлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда, — дейди Камола Исмоилова. — Хусусан, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ҳамда Озбек-овқат ва қишлоқ ҳўжа-лиги ташкилоти экспертлари Ўзбекистоннинг аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш бўйича тайёргарлик ишлари ва ушбу жараён-нинг биргаликда ташкил этилишига ижобий ҳулосалар билдирган. Ушбу халқаро ташки-лотларнинг қўллаб-қувватлови юртимиздаги рўйхатга олиш жараёнининг глобал стандарт-ларга мувофиқлиги ҳамда унинг натижалари халқаро миқёсда эътироф этилишини кўрсата-ди.

Қисқаси, рўйхатга олиш жараёни шунча-ки тадбир эмас, балки халқаро аҳамиятга эга воқеадир. Бу нафақат давлат органлари учун статистик маълумотлар йиғиш воситаси, айни вақтда бутун жамиятнинг фаровонлиги ва ке-лажақда ривожланишини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим тадбир. Йиғилган маълумотлар республика ва ҳудудларни иқтисодий-иқтисо-дий ривожлантириш, янги иш ўринлари очиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда муҳим ахборот базаси бўлиб хизмат қилади. Шу боис, рўйхатга олишда ҳар биримизнинг фаол ва масъулиятли иштироки-миз ушбу тарихий жараёнинг муваффақияти-ни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

19 та истиқболли лойиҳа рўйхати шаклланти-рилган. Жумладан, “Armet Unigrope Navyoi” МЧЖ томонидан 2025-2026 йилларда қиймати 50 миллион долларлик косметика ва маиший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган лойи-ҳага старт берилди. Натижада 200 та янги иш ўрни очилади. Шунингдек, Хитойнинг “Haier” компанияси билан ҳамкорликда маиший техни-ка ишлаб чиқариш бўйича қиймати 60 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш юзасидан музокара олиб бориломоқда. Бу лойиҳа амалга ошса, 1600 та янги иш ўрни яратилади. Карма-нада халқаро “Муни” лойиҳаси доирасидаги стартаплар ҳам самарали фаолият юритмоқда.

— Жаҳон банки лойиҳаси бўйича халқаро грант маблағлар ҳисобидан молиялаштирил-ган қатор стартап лойиҳалар амалга оширил-моқда, — дейди Кармана тумани ҳокимининг инновацион ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари Ўткир Тиллаев. — Арғун маҳал-ласида “Kif trade 21” МЧЖ томонидан қиймати 115 минг долларлик нон ва қандолат маҳсулот-лари ишлаб чиқариш корхонаси муваффақия-ятли иш бошлади. Корхонада ишлаб чиқариш жараёни замонавий технологиялар асосида йўлга қўйилган. Шунингдек, Талқоқ маҳалла-сида “Grand Medical Center Klinikа” МЧЖ томо-нидан қиймати 100 минг долларлик замонавий тиббиёт ускунаси (УЗИ) боради қилиш стартап лойиҳаси ҳам тўлиқ иш бошлади. Клиникада замонавий диагностика ускуналари орқали аҳо-лига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Ҳозир ушбу икки лойиҳа орқали 10 та янги иш ўрни очилди. Асосийси, бу лойиҳалар туман аҳолиси учун янги имкониятлар, сифатли маҳ-сулот ва хизматларни тақдим этмоқда.

Кармана иқтисодий-иқтисодий салоҳияти катта туманлардан. Аҳолиси 143 минг кишидан ошди. Бу, ўз навбатида, одамларни уй-жой билан таъминлаш, янги иш ўринлари очиш, инфрату-зилма билан боғлиқ масалаларни ҳам келтириб чиқаради. Шу боис, ҳар бир йўналиш бўйича аниқ дастур ва режалар тузиб олинган. Янги гоя ва та-шабуслар ҳамда истиқболли лойиҳалар ҳудудда ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, иш ўринлари қўпайишида муҳим омили бўлмоқда. Бугун ҳудуд-да ишбилармонлар сафи кенгайяпти. Умуман, илм-фан, бизнес ва ишлаб чиқаришнинг уйғунла-шуви натижасида Кармана инновацион ҳудудига гоялар табиқ иқтисодий лойиҳаларга айлантири-ляпти. Ҳаётга табиқ этилаётган янги лойиҳалар эса туман аҳолиси учун муносиб янги шароити яратиш ва фаровон турмуш кечирishга хизмат қилмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР – ТИЗИМ ТАЯНЧИ



Алишер НАЗАРОВ,
Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети профессори

Юртимизда сўнгги йилларда ҳарбий кадрларнинг сифат жиҳатидан етук ва замонавий мутахассис бўлиб етишишини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, жорий йилда Қуролли қўчлар академияси ислох қилиниб, унинг негизда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди.

Нуктаи назар

Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетини ташкил этиш жараёнида қатор янги кафедра ва марказлар ташкил этилди ҳамда мазкур ўқув йилидан бошлаб янги таълим йўналишлари бўйича ёшларнинг ўқишга қабули амалга оширилди. Университетда 4 та ва округларда 6 та округ факультетлари фаолияти йўлга қўйилди. Университетни тамомлаган малакали мутахассислар мамлакатимиз қуролли қўчалари сафларида ўз билим ва малакаларини ишга солган ҳолда юртимиз мудофаасини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Хорижий ҳарбий кадрларни тайёрлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирги кунда 100 дан ортиқ хорижий ҳарбий хизматчи магистратура, бакалаврият босқичида таҳсил олмақда. Шунингдек, университетда докторант ва мустакил иزلанувчилар илмий тадқиқотлар қилиши учун етарли шароитлар яратилган.

Ушбу ислохотларга ҳамоҳанг тарзда ҳарбий педагогларни саралаш ва танлаш тизими ҳам қучайтирилмоқда. Бугунги кундаги замонавий ҳарбий таълим тезкор жанговар ҳаракатларга мувофиқ бўлгани ҳолда профессор-ўқитувчилар таркибига қўйиладиган касбий талаблар ҳам шунга мос бўлмоқда. Шу билан бирга, ҳарбий педагогларни етакчи хорижий давлатларда ўқитиш тизими ҳам йўлга қўйилди.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва ўқув жараёнини такомиллаштириш учун таълим стандартлари давр талабига мос равишда янгиланди. Ҳозирги кунда янги технологиялар асосида курсантларнинг фикрлаш доирасини ривожлантиришга хизмат қилувчи интерфаол усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Бу жараёнда педагогларнинг

Ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга доир бу ташаббус Хавфсизлик кенгашининг давлат ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш масалаларига бағишлаб Ўзбекистон Президенти, Қуролли Қўчлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2025 йил 21 февраль кунини ўтказилган йиғилишида илгари сурилган эди. Шундан келиб чиқиб, йигирмадан зиёд хорижий давлатнинг илғор тажрибалари ўрганилган ҳолда ҳарбий таълимни ислох қилиш бўйича янги миллий модель ишлаб чиқилди. Мудофаа вазирлигининг 5 та институти, Сержантлар тайёрлаш олий мактаби ҳамда Авиация ва учувчисиз учиш аппаратлари мутахассисларини тайёрлаш маркази мазкур университет таркибига ўтказилди. Бу эса марказлашган вертикал тизим яратишда муваффақият олиб келиб, қўшинларнинг жанговар салоҳиятини ошириш, дуал таълимни кенгайтириш, илмий тадқиқотларни амалиётга жорий этишга хизмат қилади.

Сержантлар тайёрлаш олий мактабида армиянинг асосий таянчи бўлган сержантларни ўқитиш, уларда етакчилик қобилиятини шакллантириш, замонавий қуроллар ва янги тактик усуллар бўйича кўникмаларини оширишнинг янги тизими жорий этилди. Яна бир яхши янгиллик тор доирадаги ихтисосликлар бўйича “2+2” тартиби йўлга қўйилгани билан боғлиқ. Яъни психолог, алоқачи, таъминотчи, омборчи каби 18 соҳа мутахассиси бошқа олий таълим муассасаларининг иккинчи босқич талабалари орасидан саралаб олиниши йўлга қўйилди.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий ўқув йилидан битирувчи босқич курсантлари учун танлов асосида Олий Бош Қўмондон давлат стипендияси таъсис этилди. Стипендия соҳиблари бакалавриятни тамомлаганидан сўнг 5 йил мобайнида олий ҳарбий таълим муассасалари магистратура босқичига имтиҳонларсиз қабул қилиниши белгиланди. Бу эса битирувчи курсантларга олий ҳарбий таълимни чуқур ўзлаштириш имконини беради.

Яна бир эътиборли жиҳати, эндиликда олий ҳарбий таълим муассасаларининг 36 та таълим йўналиши битирувчилари бир йўла иккита диплом — фуқаролик ва ҳарбий касбга мулкчиланган мутахассислик эгаси бўлади. Бу уларнинг ҳарбий хизматдан кейин ҳам фаол ишлашига замин ҳозирлайди.



педагогик-психологик имкониятлари, ижодий фикрлашни ривожлантириб боришга хизмат қилувчи таълим технологиялари ҳам қўлланилмоқда. Ўқув жараёнидаги ўзгаришлар нафақат назарий, балки амалиёт билан уйғунлаштирилмоқда.

Университетда ҳарбий таълимнинг инновацион ва анъанавий усуллари ўзаро биригаликда қўллаш, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш замонавий ёндашувларга таянган ҳолда амалга оширилмоқда.

Янги ташкил этилган Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ҳарбий кадрлар тайёрлашда ягона, замонавий ва тизимли ёндашув таъминланишига замин бўлмоқда. Сержантлар тайёрлашдан тортиб, тор мутахассисликлар, стипендия ва икки диплом тизимигача бўлган мазкур ўзгаришлар мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришда айни муддаодир.

Фармон ва ижро

лаблар даври давлат бошқаруви тизимидан юқори мослашувчанлик ҳамда сифат жиҳатидан янги форматда ишлашни талаб этмоқда. Президентимизнинг 2025 йил 6 декабрдаги “Давлат хизматида бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазкур йўналишдаги ислохотларни стратегик жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Яъни ҳужжат асосида “ҳаракатлар маркази”дан “натijaдорлик маркази”га трансформация даври бошланди. Бу янги тажриба.

Ушбу ҳужжат давлат бошқаруви фалсафасини “вазифа—функция—ресурс—жавобгарлик” занжирини асосида тубдан янгилашга қаратилган муҳим қадамдир. Эндиликда бошқарув самарадорлиги ҳисоботлар ёки бажарилган топшириқлар сони билан эмас, балки ҳар бир қарорнинг жамият ҳаётидаги аниқ ижобий таъсири ва фуқаролар розилиги билан баҳоланади.

Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, давлат органларида инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш мақсадида Бошқарув самарадорлиги агентлиги ҳамда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ташаббуси билан давлат органлари ҳамда ташкилотларнинг кадрлар билан ишлаш бўлинмалари раҳбарлари иштирокида ўқув-амалий семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.



Малика МАХМУДОВА,
ФАОнинг гендер масалалар бўйича миллий консультанти:

— Бугун меҳнат бозоридagi гендер тафовут аёлларнинг даромад олиш имкониятини чекламоқда. Бунга баҳоландаги

“ҲАРАКАТЛАР МАРКАЗИ”ДАН “НАТИЖАДОРЛИК МАРКАЗИ”ГА ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАВРИ

ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ ИЛҒОР ВА МУВАФФАҚИЯТЛИ HR ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

стереотиплар, маошдаги тенгсизлик ва энг муҳими, “оналик учун жазо” каби тушунчалар тўсиқ бўлмоқда.

Фикримча, ҳар қандай мамлакат иқтисодий салоҳиятини тўла намоён этиши учун урта асосий ислохотни амалга ошириши зарур. Биринчидан, гендер ҳолислик таъминини таъминлаш учун кадрлар билан ишлашнинг барча босқичларини нейтрал қилиш, иккинчидан, маошларни шаффофлаштириш ва раҳбарларнинг тенгликдаги шахсий масъулиятини қучайтириш, учинчидан, “оналик учун жазо”ни бартараф этуви механизмларини жорий этиш муҳим. Шу маънода, фармонда бошқарув самарадорлигини оширишда фақат ички тартиб-таомиллар билан чекланмай, замонавий бозор тамойиллари ва хусусий секторнинг илғор тажрибасини қўллаш амалиёти кўзда тутилгани диққатга сазовор.

Бошқарув самарадорлиги агентлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми эса давлат ва бизнес шериклигининг янги моделини бошлаб берди. Ушбу модель давлат идораларига “ТОП-100” компаниялар тажрибаси асосида энг замонавий HR технологияларини олиб кириши ва бюрократик тўсиқларни рақамли ечимлар орқали бартараф этишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.



Шахло ИБРАГИМОВА,
Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари:

— Бу сайё-ҳаракатлар “вазифа — функция — ресурс — жавобгарлик” занжирининг муҳим бўғини бўлган инсон капиталини ривожлантиришга хизмат қилади. Биз бизнеснинг тежорлиги ва давлат бошқарувининг стратегик ёндашувини бирлаштириб, замонавий бошқарув маданиятини шакллантирмоқчимиз.

Шу мақсадда Тошкент шаҳридаги “Технопарк” фаолияти, “Artel” компаниясининг HR технологияларини жорий этиш тажрибаси ҳамда “AKFA Group” компаниялар гуруҳининг бошқарув тизими билан яқиндан танишдик.

Шунингдек, htm.gov.uz платформаси таркибида жорий этилаётган янги модуль — кадрларни танлашда инновацион ечимлар тақдимот қилинди. У давлат хизматида HR жараёнларни рақамлаштириш, шаффоф рекрутнинг, компетенцияга асосланган танлов ҳамда бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган.



Жалол ТЎХТАЕВ,
Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи:

— Кадрлар билан ишлаш жараёни тўлиқ автоматлаштирилиши нафақат бюрократик тўсиқларни камайтиради, балки шаффофлик ва ҳисобдорлиқни ҳам таъминлайди. Инсон капиталини бошқариш тизимига бундай инновацион ва маълумотларга асосланган ёндашувларни татбиқ этиш сув хўжалигида бошқарув самарадорлигини янги сифат босқичга олиб чиқишга ёрдам беради.

Мазкур учрашув ва мулоқотлар давлат бошқарувини сифат жиҳатидан янгиллаш йўлидаги муҳим концептуал қадам бўлди. Давра суҳбатлари нафақат соҳа мутахассислари компетенцияларини оширишга, айни вақтда давлат хизматида проактив бошқарув моделларини ва натижадорликка асосланган янги корпоратив маданиятни шакллантиришга хизмат қилди. Белгилаб олинган устувор вазифалар эса, ҳеч шубҳасиз, соҳада ўзини оқламаётган методлардан воз кечиб, энг замонавий HR технологияларга ўтиш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

замонавий ўқув стандартларига тўлиқ мутanosиб эканидан далolat. Биз нафақат назарий билим олдик, балки юқори технологияли бизнес муҳитида HR стратегиялар қандай қилиб иқтисодий натижадорликка айланишини ўз кўзимиз билан кузатдик.



Жалол ТЎХТАЕВ,
Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи:

— Кадрлар билан ишлаш жараёни тўлиқ автоматлаштирилиши нафақат бюрократик тўсиқларни камайтиради, балки шаффофлик ва ҳисобдорлиқни ҳам таъминлайди. Инсон капиталини бошқариш тизимига бундай инновацион ва маълумотларга асосланган ёндашувларни татбиқ этиш сув хўжалигида бошқарув самарадорлигини янги сифат босқичга олиб чиқишга ёрдам беради.

Мазкур учрашув ва мулоқотлар давлат бошқарувини сифат жиҳатидан янгиллаш йўлидаги муҳим концептуал қадам бўлди. Давра суҳбатлари нафақат соҳа мутахассислари компетенцияларини оширишга, айни вақтда давлат хизматида проактив бошқарув моделларини ва натижадорликка асосланган янги корпоратив маданиятни шакллантиришга хизмат қилди. Белгилаб олинган устувор вазифалар эса, ҳеч шубҳасиз, соҳада ўзини оқламаётган методлардан воз кечиб, энг замонавий HR технологияларга ўтиш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ тайёрлади.

Ислохот одимлари



Машғал САИДОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2020 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда Европа Иттифоқининг Ўзбекистонга киритган тўғридан тўғри инвестициялари 43 фоиз ўсди, Европа билан савдо айланмаси эса умумий савдонинг қарийб 10 фоизини ташкил этмоқда. Европа Иттифоқи билан тузилган битим Ўзбекистонга Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлини ҳам очади.

Айни пайтда Ўзбекистон Хитой билан мустаҳкам шериклик муносабатларини ривожлантиришда давом этмоқда. 2024 йилда икки томонлама товар айирбошлаш 14 миллиард доллардан ошди. Шу йилнинг 2 сентябрь кунини Пекин шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий, технологик ва молиявий-инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Инвестиция лойиҳалари портфели 60 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. 2024 йилда умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ 64 та лойиҳа ишга туширилган. Мамлакатимиз ҳудудларида қўшма технопарклар ва махсус индустриал зоналар фаолият юритмоқда, “BYD” электромобилларини ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда ва маҳаллийлаштириш даражаси оширилмоқда. “Яшил” энергетика ва энергия самарадорлигини ошириш, жамoат транспортини модернизациялаш, рақамлаштириш, пулли автомобиль йўллари

Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамгармаси келгуси йилда Ўзбекистон иқтисодиётида камида 6 фоиз ўсишни прогноз қилмоқда. Очиқлик сиёсатини юритаётган Ўзбекистонга ҳамкор мамлакатлар ва инвесторларнинг сармоя

киритишга қаратаётган эътибори туфайли ялпи ички маҳсулот ҳажми ортади. Хорижий давлатлар билан манфаатли ҳамкорлик Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиши, ривожланиши, инвестиция ҳажми ортиши, экспорт-импорт операцияларидаги сезиларли ўзгаришлар ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ошишида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Россия, АҚШ, Хитой, ЕИ ва бошқа мамлакатлар билан муносабатларни бирдек йўлга қўйди. Масалан, жорий йилнинг июнь ойида Брюсселда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бу тарихий воқеадир. Чунки мазкур ҳужжат расмий Тошкентнинг кўп векторли дипломатия моделидан ўзаро боғлиқликнинг янги моделига ўтишини англатади.

КАПИТАЛ БОЗОР АРХИТЕКТУРАСИ ТАШҚИ САВДО ГЕОГРАФИЯСИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

барпо этиш, муҳим минералларни чуқур қайта ишлаш, шунингдек, кимё, сув ва қишлоқ хўжалиги, туризм ҳамда шаҳарсозлик соҳаларида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган. Ҳудудлараро алмашинувлар фаоллашди. Хитой тажрибаси асосида мамлакатимизда камбағалликка барҳам беришга қаратилган қўшма тадбирларни амалга оширишда экспортлик кўмаги давом эттирилди. Инновацион лойиҳаларнинг илгари суриш ва мутахассислар тайёрлаш учун Ўзбекистон — Хитой сунъий интеллектни ривожлантириш марказини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга таширфи ҳам икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганидан далolat беради. Ушбу таширф яқунлари бўйича келгуси ҳамкорлик учун аниқ йўналишлар белгилаб олинди. Ўзбекистон Президентининг АҚШга тарихий сафари мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириб, Марказий Осиё минтақасининг глобал жараёнлардаги иштирокини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон ўзининг капитал бозорлари архитектурасини Ғarb нормаларига мослаштиришга интиломоқда ва активлар билан ишлайдиган машҳур Franklin Templeton компанияси билан биргаликда Миллий инвестиция фондини ташкил этди. Бу фонд қатор давлат мулкларини хусусийлаштириш билан шуғулланмоқда. Самарасиз давлат корхоналарини хусусийлаштириш аллақачон натижалар берди. Чунки хорижий инвесторлар тобора кўпроқ жалб қилинмоқда. NASDAQ Ўзбекистон фонд биржасини модернизация қилиш йўллариини ўрганмоқда. Ўзбек банклари ва давлат корхоналари эса Citigroup ёрдамида халқаро фонд

биржаларига муваффақиятли жойлаштирилди. Натижалар яққол кўриниб турибди. Boeing билан 22 та самолёт учун 8,5 миллиард долларлик шартнома имзоланди. Air Products Ўзбекистонда саноат кимёси ва газ соҳасида стратегик лойиҳаларни амалга оширмоқда. АҚШнинг 300 дан ортиқ компанияси Ўзбекистонда фаолият юритмоқда.



Инвестициялар нафақат молиявий ресурсларни, балки илғор технологиялар, замонавий бошқарув усуллари ва халқаро стандартларни ҳам олиб кирмоқда. Хорижий сармоялар саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари каби қатор соҳаларни модернизациялашга, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга ва мавжудларини техник қайта жиҳозлашга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ялпи ички маҳсулот ўсишининг асосий омилларидан бирига айланди.



Россия ҳам Ўзбекистон учун муҳим, устувор стратегик шерик ва иттифоқчи. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ҳамда ишончли муносабатлар бундай ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Россиянинг етакчи компаниялари билан саноат бўйича шерикликни фаол кенгайтирмоқда. Бугунги кунда

Ўзбекистонда Россия капитални ёки мамлакатимиз фуқаролари муассислари бўлган 3000 дан ортиқ корхона фаолиятда кўрсатмоқда. Бу шундан далolat берадики, Россия бизнеси анъанавий экспорт моделидан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби мураккаб механизмларга ўтишни бошлади.

Марказий Осиё давлатлари сайё-ҳаракати билан минтақада янги иқтисодий воқеалик шаклланимоқда. Сўнгги саккиз йил давомида минтақа мамлакатларининг ялпи ички махсулоти қарийб икки ярим баробар ўсиб, 520 миллиард долларга, ташқи савдо ҳажми эса икки қарадан зиёд қўпайиб, 253 миллиард долларга етди. Шу билан бирга, минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2 марта ошиб, қарийб 11 миллиард долларга, ўзаро инвестициялар эса 5,6 баробар ортди. Биринга Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 2016 йилдаги 2,4 миллиард доллардан 2024 йилда 7,2 миллиард долларга етди, қўшма корхоналар сони эса 1800 дан ошди. Саноатда Марказий Осиё барқарор равишда йилга 6 фоиз атрофидаги ўсишни намойиш этмоқда, бу жаҳондаги ўртача ўсиш суръатидан икки қара юқори. Бундай муваффақият ишлаб чиқариш кооперациясининг янги шакллари йўлга қўйиш — қўшма инвестиция фондларини ташкил этиш, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ. Минтақа мамлакатлари томонидан тасдиқланган 2025-2027 йилларда саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар режаси ҳамкорлигининг муҳим востосига айланди. Кичик ва ўрта бизнеснинг ўсишига қўмаклашадиган чегараолди савдо зоналари

ва халқаро саноат кооперацияси марказлари фаол ривожланмоқда. Президентимизнинг хорижий таширфлари давомида эришилган энг муҳим ютуқлардан бири Ўзбекистонга кириб келаётган бевосита хорижий инвестиция ҳажми кескин ошишидир. Илгари нисбатан ёпиқ бўлган иқтисодиёт эндиликда хорижий сармоядорлар учун очиқ ва жозибадор майдонга айланди. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестиция, жумладан, хорижий сармояларнинг аҳамияти жуда катта.

XXI асрнинг дастлабки чорагида иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнлари ўзига хос даврга айланди. Мамлакатда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириб бориш жаҳон бозорига чиқиш, унинг устуниликларидан фойдаланишни талаб қилади. Жаҳон бозорига халқаро иқтисодий муносабатларни муваффақиятли юритиш, ички ва ташқи бозорда миллий товарлар рақобатбардошлигини ошириш учун турли кўринишдаги хорижий инвестицияни миллий иқтисодиётга жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги беш йилда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган хорижий инвестиция ҳажми бир неча баравар ошган. Агар 2017 йилда бевосита хорижий инвестиция ҳажми 2,4 миллиард АҚШ доллариға етган бўлса, жорий йил 35 миллиард доллар бўлди. Экспорт 27 миллиард долларни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 31 фоиз қўпайди.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар самараси халқаро рейтингларда ҳам муносиб аксини топтомоқда. “Иқтисодий эркинлик индекси”даги Ўзбекистон ўрни сўнгги беш йилда 48 поғона юқори кўтарилди. Гарварднинг “Иқтисодиёт мураккаблиги индекси”да мамлакатимиз ўрни 28 поғонага яхшиланди. Нуфузли “S&P” агентлиги Ўзбекистоннинг суверен рейтингни прогнозини “барқарор”дан “ижобий”га оширди.

Инвестициялар нафақат молиявий ресурсларни, балки илғор технологиялар, замонавий бошқарув усуллари ва халқаро стандартларни ҳам олиб кирмоқда. Хорижий сармоялар саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари каби қатор соҳаларни модернизациялашга, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга ва мавжудларини техник қайта жиҳозлашга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ялпи ички махсулот ўсишининг асосий омилларидан биридир.

Фаол ташқи сиёсат савдо географияси ва таркибини сезиларли даражада кенгайтирди. Президентимиз таширфлари давомида имзоланган савдо битимлари, эркин савдо ҳудудларини ташкил этиш бўйича келишувлар ва тарифсиз тўсиқларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар экспорт ҳажми ўсишига ва янги бозорларга чиқишга имкон берди. Ўтган даврда мамлакатимиз иқтисодиёти икки қара ўсгани бунда муҳим омил бўлди. Шу йил якуни билан аҳоли жон бошига даромад 3,5 минг долларга етиши кутилмоқда.



www.yuz.uz



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Албатта ўқинг!

Таъбир изохати

(“Сўз хусусида сўз” китобидан)



II

Баъзилар “чигит экилди” деган маънода “баракка уруғи тикилди”, “уруғ қадалди” деган ибораларни ишлатади. Ҳолбуки, халқимиз уруққа, жумладан, чигитга нисбатан “тикмак” ва “қадамоқ” феълларини ишлатмайди. Бунинг учун улар “уруғ тикиди” деган тасвирни қўлдан келтириб, бунинг зарарли бир томони бор. Бу шундан иборатки, бунинг эшитган болалар мазкур феълларнинг маъноси ҳақида янглиш тасаввур ҳосил қилади. Натижада махсус сўзларнинг аҳамияти йўқолиб, нутқ камбағаллашиб ва ноаниқлашиб боради. Мазкур ўртоқлар ўзича биз нутқимизни ранг-баранг қилишимиз, уни бадиийлаштиришимиз деб ўйласа керак. Лекин ранг-барангликнинг ўрни, вақти ва чегараси бор. Ёз чилласида янги келин ҳар кунини куннинг ўзида қўйлагини янгилашни мумкин, лекин септини кўрсатмадан деб қўйлашни пиджак юбка билан алмаштирмайди. “Чигит экиди” ёки “уруғ соқди” дейиш ўрнига нутқини ранг-баранг қиламан деб “уруғ тикиди ёки қадади” деган ўртоқлар ёз чилласида қўйлашни пальто билан алмаштирган кишига ўхшайди.

“Қадамоқ” феъли умуман экишга нисбатан ишлатилмайди. “Тикмак” феъли кўчатга нисбатан ишлатилади. Чунки унинг маъноси тикка қилиб қўймоқдир. Бинобарин, бу феъл байроққа нисбатан ҳам ишлатилади. Байроқ тикиди ёки тикилди, дейилади. “Экмак” феъли эса уруққа ҳам кўчатга нисбатан ишлатилади.

“Айни” сўзини суниестемол қилиш ҳоллари ҳам бор. Аслан “айни” сўзи худди шу, шунинг ўзида деган маъноларда ишлатилади. Масалан, айни замонда, худди шу замонда, шу замоннинг ўзида ёки бир замоннинг ўзида дегани. Баъзан “айни” сўзини “шу” сўзининг ўрнида қўлайдилар, масалан, “шу кунларда” ўрнида “айни кунларда” дейдилар. Бу тўғри эмас. Аввал бошқа бир ҳодисанинг шу кунларда содир бўлганини тилга олмай туриб, масалан, “айни кунларда пахта терими кўзгин бормоқда”, деб бўлмайди. Бу ҳолда “шу кунларда” дейиш керак. “Ҳозир пахта терими бошқанда, айни замонда ҳосил пахта пунктларига топширилмоқда”, деганда “айни” сўзи тўғри ишлатилган бўлади.

Баъзан спорт шарҳловчиларининг озгидан “қиличбозлар баҳси” ёки “беллашувини”, “парашютчилар баҳси” ёки “авиамоделчилар беллашувини” каби ибораларни эшитиш мумкин. Ҳозир ҳаёлинигизга ўша ўртоқлар мусобақа сўзини ҳаддан ортиқ такрорламаслик, нутқини ранг-баранг қилиш учун “баҳс” ва “беллашмак” сўзларига мурожаат қилган бўлиши мумкин деган фикр келди.

Бу тўғри фикр. Қайтариқлардан қочиб, маънодош сўзлардан илҳом борица тўлиқ фойдаланиш керак. Лекин ҳар бир сўзининг ўз ўрни ва синонимлардан фойдаланишининг қоидаси бор. Масалан, “беллашув”ни кўчма маънода ишлаб чиқаришда мусобақалашётган икки шахсга нисбатан ишлатиш мумкин. Агар уларнинг иши жисмоний куч талаб қиладиган касб бўлса, жуда ўринли бўлади. Аммо “шахматчилар беллашди”, дейиш тўғри бўлмайди. Чунки шахматта бел кучи керак эмас. Бинобарин, “шахматчилар беллашдилар” деган гапдан улар шахматни қўйиб фогонача, яъни бел ушлашиб курашди деган маъно чиқади. Агар улар шахматда беллашди, дейилса, шахматбозлик англашлади, лекин барибир жумла айбоби бўлади.

Баҳс эса озгаки тортишувдир. Ўзбекчада “қиличбозлар баҳсида фалончи ғалаба қозонди” дейилса, бундан ўша фалончи қиличбозликда эмас, озгаки олишувда ғалаба қозонибди деган маъно чиқади. Шунингдек, “парашютчилар баҳси” дейилса, бундан парашютчилар бир ерга йиғилиб, бирор масала юзасидан мунозара қилишибди деган фикр туғилади.

“Шахмат мусобақаси” деган иборани “шахмат ўйини”, “шатранж ўйини”, “шахматбозлик”, “шатранжбозлик”, “шахмат суришиш”, “шатранж тортишувини”, “шахмат олишувини” ва ҳоказо сўз ва иборалар билан алмашиб ишлатиш мумкин. Шунча сўз бўлгани ҳолда “баҳс” ёки “беллашмак” сўзини суниестемол қилишга ҳожат йўқ.

Агар адабий ва халқ тилига мурожаат қилсак, керакли маънодош сўзларни қўллаб топишимиз ва улардан ўз нутқимизда самарали фойдаланишимиз мумкин. Масалан, ўзбек адабий тили ва баъзан шевадарда “мусобақа қилмоқ” маъносиде “ёришмоқ” ва “ўзишмоқ” феъллари ишлатилади.

Бу соҳада тилимизнинг имконияти катта. Чунки ўзбек тилида мусобақа маъносини англашувчи махсус қўшимча ҳам бор. Бу “ш” қўшимчаси бўлиб, уни истаган феълга қўшиб мусобақа маъносини ифода қилиш мумкин. Масалан, “югуриш” — югуриш мусобақаси, “отиш” — отиш мусобақаси, “сузиш” — сузиш мусобақаси, “от чопиш” — от пойгаси дегани.

Энди мана шу айтилган фикрлар асосида баъзи мусобақа турларига оид маънодош сўзларини намуна тарзида санаб ўтамиз.

Автомобиль мусобақаси маъносиде “автомусобақа”, “автоўзиш”, “автопойга”, “автоёриш” сўзларини алмашлаб ишлатиш мумкин. Албатта, “автомобиль мусобақаси”, “автомобиль пойгаси”, “автомобиль ёришуви”, “автомобиль ҳайдаш” тарзидаги иборалардан ташқари. Шу ерда яна бир жиҳатини таъкидлаб ўтиш керак. Бу ўзбек тили нуктаи назаридан мазкур тилдаги ибораларда “бўйича” деган сўзининг, масалан, “автомобиль мусобақаси бўйича” ёки “шахмат биринчилиги бўйича” ёки “югуриш бўйича” деб ишлатилиши ўринсиздир.



Ўзбек тилида birlik формасидаги от хамма ҳолда бир предметни билдирмайди. Шунинг учун бир киши агар мингта китоб олса ҳам “китоб олдим”, дейди. Агар битталигини таъкидлаш керак бўлса, “битта китоб олдим”, дейди. Агар китоб тингловчига маълум бир китоб бўлса, “китобни олдим”, агар номаълум бўлса, “бир китоб олдим”, дейди.

“олтин қумлар” эмас, “олтин кум” бўлиши керак эди. Чунки биринчи гапда хабар тингловчига маълум бўлган каптарлар ҳақида эмас, умуман каптар ҳақидадир. “Каптарларнинг қани?” ёки “каптарларимни бер!” деганда “лар” ишлатилади. Сабаби бунда сўзловчи билан тингловчига маълум бўлган каптарлар назарда тутилади.

Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида отнинг олдида сон бўлганда, унга “лар” қўшимчаси қўйилмайди. Масалан, “тўрт ёки тўртта йигитлар” деб бўлмайди. “Тўрт йигит” ёки “тўрт нафар йигит” дейиш жоиздир. “Йигит” сўзи “лар” сиз ва “тўрт” “та” сўзи ишлатилса ҳам “та” ўрнида “нафар” сўзи истемол қилинса, нутқ одобига мувофиқ бўлади.

Ўзбек тилида birlik формасидаги от хамма ҳолда бир предметни билдирмайди. Шунинг учун бир киши агар мингта китоб олса ҳам “китоб олдим”, дейди. Агар битталигини таъкидлаш керак бўлса, “битта китоб олдим”, дейди. Агар китоб тингловчига маълум бир китоб бўлса, “китобни олдим”, агар номаълум бўлса, “бир китоб олдим”, дейди.

“Лар” қўшимчаси ўзбек тилида тингловчига маълум бўлган нарсани билдан ортиқ бўлганда ишлатилади. Масалан, сиз менга “фалон, фалон китобларни олинг”, десангиз, мен шу китобларни олсам, сизга “китобларни олдим”, дейман. Сиз бундан мен ўша сиз тавсия қилган китобларни олганимни аниглайсиз.

Бундан ташқари, “лар” қўшимчаси ҳурмат, турлилик ва мулоҳаза учун ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, “дадамлар” деганда ҳурматни ифодалайди, “юракларим қон бўлди”, деганда “лар” мулоҳазани билдирди. “Богимизда мевалар пидди” деганда турлиликни англатади. “Лар”нинг ўринсиз ишлатилишида қисман тажрибасиз таржимонларнинг ҳиссаси бор. Бунини ёш таржимонларнинг ҳисобига олиб қўйиш керак. Қўплик формасининг ишлатилиши турли тилларда турлиқадар.

От олдида билдан ортиқ сон келганда қўплик қўшимчасини қўшиб инглиз тилига хос. Рус тилида эса икки, уч, тўрт сонларидан кейин от бирликда, лекин қаратқичда берилди. Масалан, “две книги”, яъни “китобнинг иккиси” дейилса, бу бу мазмунан ўзбекчадаги “иккита китоб” га тўғри келади. Бешдан юқори сонлардан сўнг келган от эса қаратқичнинг қўпликда берилди. Охири бир, икки, уч ва тўрт сонлари билан туганган қўп хонали сонлар мустасно. Масалан, “тыть кит”, яъни “китобларнинг бешта” дейилса ва ўзбекчадаги “бешта китоб” га мос келади.

“Лар” ва “хам” қўшимчалари керакисиз ўринда ишлатилса, “нинг” қўшимчасини баъзан тушириб қолдириш ҳоллари учрамоқда. Масалан, қуйдаги гап ва ибораларда қаратқич қўшимчаси — “нинг” ноўрин тушириб қолдирилган: “Бу қишлоқлар аҳолиси алоқанинг антиқа йўлини ўйлаб топди”. Бу гапда “бу қишлоқлар

аҳолиси” эмас, “бу қишлоқларнинг аҳолиси” бўлиши керак эди. Журналлардан бирида “Заҳарли ўргимчаклар қушандалари” деган сарлавҳа берилди. Бунда “ўргимчаклар” эмас, “ўргимчакларнинг”, “заҳарли ўргимчакларнинг қушандалари” дейилса, тўғри бўлар эди.

Қаратқичнинг “нинг”ли ва “нинг”сиз формаларининг маъно жиҳатдан фарқи бор. Мазкур айб шунинг фарқ қилмаслик натижасида вуқудга келган. Икки хил маънога эга икки форманинг бир хил деб тасаввур қилинишига қисман тилчиларимиз сабабчи бўлган. Мактабларда, ҳатто олий ўқув юртиларида синтактик таҳлилда “нинг”сиз қаратқични ўқитувчилар “нинг”ни қўшиб бўлмайдиган ўринларда ҳам, бу ерда “нинг” тушиб қолган, аслида, “нинг” бўлиши керак эди деб тушунтиради. Ҳолбуки, масалан, “мактаб директори” бирикмаси билан “мактабнинг директори” бирикмаси орасида фарқ бор.

Буларнинг бирини иккинчисининг ўрнида ишлатиб бўлмайди. Агар мен бир мактабга бориб, шу мактабнинг директорини кўймоқчи бўлсам, “мактабнинг директори ким?” деб сўрайман. Агар бир неча киши орасида директор лавозимига эга бўлган кишини, қайси мактабникилигинида қатъи назар, билимқочи бўлсам, “мактаб директори ким?” деб сўрайман. Биринчи ҳолда “нинг”ни тушириб бўлмайди, иккинчи ҳолда қўшиб бўлмайди. Муайян мактаб назарда тутилса, “нинг” қўйилсади, номуайян бўлса, қўйилмайди.

Демак, “бу қишлоқлар” деганда “қишлоқлар” муайян бўлади. Шунинг учун унга “нинг” қўшимчаси қўйилсади. “Бу қишлоқлар аҳолиси” деб бўлмайди, “бу қишлоқларнинг аҳолиси”, дейиш керак. Агар муайян қишлоқ назарда тутилмай, “қишлоқ” “аҳоли”нинг сифати қилиб олинса, “нинг” қўйилмайди. Унда “қишлоқ аҳолиси”, дейимиз. Масалан, “бизда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси чет эллардагига нисбатан юқори” дегандаги каби.

Энди “н” қўшимчасини қондаги хилоф равишда ишлатиш ҳолатларига тўхтаимиз. “Н” қўшимчасини ундош билан тугаган феълларга қўшганда, унинг олдида “и” ёки “у” унлиси пайдо бўлади. Эски ўзбек тилида агар феълнинг ўзигада лабланган унли, яъни “у” ёки “ў” бўлса, “н” олдида пайдо бўладиган унли лабланган ҳолда, яъни “у” шаклида бўлган. Агар феълнинг ўзигада лабланмаган унли и, а, э, о унлиларидан бири бўлса, “н” олдида пайдо бўладиган унли лабланмаган шаклда, яъни “и” шаклида бўлган. Талаффуз қилганда лаб қўчқаядиган унлилар “лабланган” унли, лаб қўчқаймайдиганлари “лабланмаган” унли дейилади. Ўзбек тилида “у” ва “ў” унлилари Ламақанд, қолганлари лабланмаган. “О” унлиси Самарқанд ва Бухоро шеваларида бир оз лабланган, бошқа шевадарда ва адабий тилда эса лабланмаган. “О” унлиси Наманган шевасида ҳам баъзан лабланади.

Ўзақда лабланган унлининг қўшимчада лабланган унлини ва лабланмаган унлининг лабланмаган унлини талаб қилиши “лаб уйғунлиги” ёки “лаб гармонияси” ёхуд “лабиал аттракция” деб аталади.

Эски ўзбек тилида “н” қўшимчаси олдидаги унли лаб уйғунлигига бўйсунган. Масалан “бил” феълига “н” қўшимчаси “ин” тарзида қўшилган, яъни “билин” дейилган, “кўр” феълга эса, “ун” тарзида қўшилган, яъни “кўрин” эмас “кўрун” деб айтилган. “Билинди” деганда “н” қўшимчасининг “ин” тарзида ва “кўрунди” деганда “н” шаклида бўлишини лаб уйғунлиги таъқозо қилади. Ҳозир ўзбек тилида лаб уйғунлиги йўқолган. Аммо қирғиз тилида

кучайган. Чунки қирғизлар, масалан, “ўқувчи” сўзини “ўқучу” деб, “йўлларда” деган сўзни “йўллард” деб айтади. Қирғиз тилида қадимги ва эски туркий тилларда унлилар лабланмайдиган ўринларда ҳам ҳозир лабланадиган бўлган. Ўзбек тилида эса лабланадиган ўринларда ҳам лабланмайдиган бўлган. Лекин баъзи ўринларда қолдиқ сифатида сақланган.

Бу “н” қўшимчасини ишлатишдаги айб, уни керакисиз ўринларда ҳам истемол қилишдан иборат. “Бошламоқ”, “келмак” каби феъллар кўмакчи бўлиб келганда мажхул ҳаракатни билдириш учун мажхуллик қўшимчаси асосий феълга қўшилиб, кўмакчи феълга, жумладан, “бошламоқ” ёки “келмак” феълга қўйилмайди. Бинобарин, мен эшитган ва бошқалар ҳам яна эшитиши ёки ўқиб қоллиши мумкин бўлган қуйдаги гаплардаги “н” қўшимчаси тил нуктаси назаридан ортиқчадир.

1. Ҳаёт илдири экила бошланди.
 2. Чўллар ўзлаштири бошланди.
 3. Қовоқ уруғи қадимдан қўлланиб келинган.
 4. Пахта терили бошланди.
- Тўғриси “Ҳаёт илдири экила бошланди” эмас “экила бошлади” бўлади. “Чўллар ўзлаштири бошланди” эмас, “ўзлаштирила бошланди”, дейилади. “Қовоқ уруғи қадимдан қўлланиб келинган” эмас, “қўлланиб келган”, дейилиши керак. “Пахта терили бошланди” эмас, “терили бошлади”, дейиш лозим.

Азиз муҳтарам ўқувчи, ҳаётда адашмаслик ва ундан самарали фойдаланиш учун маърифат керак. Шунинг учун сўз хусусида сўз қўп. Сўз сирини санъати сўзни сеҳриро салтанатин яхши билган улуг Навоий:

“Маърифат” сўзи билиш ва билим турини билдиради. Билим бир нарсани аниқлаш ёки бир ишни бажариш учун керакли маълумот. Билиш эса шундай маълумотга эга бўлиб, ундан фойдалана олишдир. Маърифат ҳам билишни, ҳам билимни қамраб олади. Лекин ҳар қандай билиш ва билим “маърифат” деб аталмайди. Маърифат олий даражадаги билиш ва билимдир. Сувнинг чаққанда ичкндадиган нарсаси эканини ёш бола ҳам билади. Демак, у сув ҳақида содда билимга эга. Бундай билимни “маърифат” деб бўлмайди. Сув ҳақида ўқиб, текшириб ҳосил қилинган билим “билиг” ёки “илм” деб аталади. “Билиг” ҳозир эскирган. Лекин илм ҳам маърифатга нисбатан чекланмаган. Чунки илм ҳосил қилганда ўрганилаётган нарсанинг ҳамма жиҳатини бир йўла билиб бўлмайди.

Ўша сувни оладиган бўлсак, унинг таркиби, бу таркибининг бўлақларга ажралиши ва бўлақларнинг қўшилиб бир бутун ҳолга келиши бор; сувнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, унинг бошқа нарсаларга қўшилиши, қўшилмаслиги ва унинг ўзга нарсаларга таъсириро улардан таъсирланиши бор; яна сувнинг қаерда ва қайси ҳолда бор бўлиши, ундан қачон ва қандай истемол қилиниши ва яна бошқа жиҳатлари бор. Мана шу жиҳатларнинг бири ҳақидаги билим “илм” ва уни билган киши “олим” дейилади. Лекин бу ҳам маърифат эмас. Бор илмлар асосида ҳосил бўлган теран билим маърифат бўлади. Маърифат ўрганилаётган нарсанинг ва у ҳақидаги илмнинг нима учун кераклиги ҳамда нима натижа беришини билишни ҳам қамраб олади. Шунга биноан “маърифат” сўзи бутун борлиқнинг нимагини билиш ва шу ҳақидаги билимга нисбатан ҳам қўланади. Бундай маърифатга эга бўлган киши “ориф” деб аталади. Аммо ўқиб ва ўқитишда “маърифат” деганда ҳар бир кишининг инсон даражасида яшатиш учун зарур бўлган билимлар йиғиндиси тушунилади. Мана шу маънодаги маърифат билан боғлиқ бўлган ишлар “маориф” деб аталади.

Элга маърифат тарқатувчи киши “маърифатчи”, маориф хизматчиси “маорифчи”, дейилади. Рус тилидан ўзбек тилига “энциклопедия” сўзи ўзлашмасидан аввал шу маънода “доира-тул маориф” сўзи қўланган. “Энциклопедия” сўзининг ҳам “цикл” қисми “доира” дегани.

Маърифат ҳар бир кишига унинг инсон даражасида яшатиш учун керак дедик. Бунинг қандай тушуниш керак? Бунинг аниқлаш учун биз инсон ҳаётини ҳайвон ҳаёти билан қиёслашимиз лозим. Ҳайвон нафас олишдан ташқари еб-ичса ва жуфтлаиса бўлди. Унинг ҳамма ҳаракати мана шу икки талабни қондиришга қаратилган бўлади. У маърифатга, ҳунар ёки санъатга муҳтож эмас. Ҳайвондаги мазкур талаблар “жисмоний” деб аталади. Чунки уларни қондириш ҳайвоннинг жисман тирик юришини ва ўз навиини давом эттиришини таъминлайди. Инсонда ҳам бу жисмоний талаблар бор, лекин унда фақат инсонга хос бўлган маънавий талаблар ҳам бор. Агар киши фақат жисмоний талабларни қондириш билан чекланса, унинг ҳаёти ҳайвоний даражадан юқори кўтарилаб қолмайди. У ўз ҳаётини инсоний даражага қиқариб олиши учун маънавий озик олиши керак. У бунинг қандай кўп олса, унинг инсонийлиги шунча юксак бўлади. Маърифат маънавиятга қиради ва у кишининг саодатга эришишини, маърифатли кишилар эса жамиятининг раванглигини таъминлайди.

Азиз сўзсавар, сўзшунасу сўзчиларнинг сўзига қараганда, сўз хусусида сўз қўп. Сўз сирини санъати сўзни сеҳриро салтанатин яхши билган улуг Навоий:

Сўз зухрига эрур онча шараф,
Ким, була олмас онда савоҳар садаф,
Деган. Демак, ҳар бир сўзга гавҳардан қутча қилиб сақланса, шунда ҳам унинг қийма-тига яраша иш қилинмаган бўлар экан. Бунда ҳеч қандай мулоҳаза йўқ. Бу сўзга беришдан ҳақиқий баҳо. Тирик жоннинг ҳаёти учун ҳар қандай зарур бўлса, инсоннинг инсон сифатидаги турмуши ва унинг инсонийлигини белгилловчи маънавий тириклиги учун сўз шунчалик зарурдир. Бир нафас ҳавонинг ўрнини дунёдаги барча жавоҳир босолмаганидек, бир сўзнинг вазифасини ҳазина-ҳазина олтнлар бажаролмайди. Сўз қийматига эмас, қадрга эга, қадрли нарсаларнинг аҳамиятини моддий бойлик билан баҳолаб бўлмайди.

Ватанимизнинг келажатига масъул ёшларимиз, қўлдосу издошларимиз сўз билмай ҳеч бир мақсадга етиб бўлмаслигини, унинг маъносига аҳамият бермай, дўсту душман ниятини англаш мумкин эмаслигини, сўз ҳусини ҳис қилмай, дунё неъматларидан тўлиқ лаззат ола билмаслигини яхши билимлари ва ўз она тилларини мукаммал ўрганишлари лозим.

Шу билан, азиз китобхон, нутқингизга ҳусну ривож тилаб, қайрлашамиз. Номатом.

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори,
академик

ГАЗЕТАДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК
АЛИФОБИДА
ЎҚИШ УЧУН
МАЗКУР QR-KODNI
СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди. Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1246.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Аслиддин Абдураззоқов
Мусахҳх: Маллохат Мингбоева

Манзилимиз:

100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:00 Тошпирилди — 23:45

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05